

## 2 – мавзу:

# Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва дастлабки таракқиёт босқичлари

### РЕЖА:

1. Давлатчилик тушунчаси. «Авесто» китобида қадимий давлатчилик тарихига оид маълумотлар. Ўрта Осиё худудидаги давлатлар тузилмалари.
2. Ахамонийлар ҳукмронлиги. Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юриши. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти.
3. Ўрта Осиё худудларида антик давлатлар (Салавкийлар, Юнон-Бақтрия, Даван, Кушон, ва Қанғ) нинг ташкил топиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти.

# АДАБИЁТЛАР:

- Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, «Шарқ», 1998.
- “Авеста” “Видевдот” китоби. (Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима). Тошкент, 2007. 96 б.
- “Авесто” китоби- тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи мавзуидаги илмий-амалий семинар материаллари. 2000 йил, 6 декабр. Тошкент, 2000. 87 б.
- Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1- жилд. Тошкент, “Фан” 1968.
- Авесто Яшт китоби. (Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржималар). Тошкент, 2001. 127 б.
- Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2000. 366 б.
- Асқаров А. Энг қадимги шаҳар. Тошкент, “Фан”, 2007.
- Жабборов И. Антик маданият ва маънавият хазинаси. Тошкент, 1999.
- Исҳоқов М. Суғдиёна тарих чорраҳасида. Тошкент, “Фан”, 1990.
- Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиқов Қ. Қадимги кўлёзма ёдгорликлар. Тошкент, 2000. 229 б.
- Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент, “Фан”, 1996.
- Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Тошкент, “Фан”, 2004.
- Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, “Фан”, 1964.
- Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Масъул муҳаррирлар Д. Алимова, Э. Ртвеладзе. Тошкент, 2001. 224 б.
- Ўзбекистон тарихи журнали. 1999 й. № 1.
- Ўзбекистон тарихи. Олий ўқув юртларининг номутахассис факультетлари талабалари учун дарслик. Р. Муртазаева таҳрири остида. Тошкент, 2003.
- Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. Тошкент, 1999. 207 б.
- Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. Тошкент, “Фан”. 1990.



Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан ХХХ аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аجدодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. “Авесто” айти замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди.

*И. А. Каримов*



# **Авесто - Ўрта Осиё тарихига ОИД ЭНГ қадимий манба**

- **Авесто - Зардуштийлик динининг муқаддас китобидир;**
- **У «қатъий қонунлар» деган маънони англатади;**
- **Бу диннинг ғарбдаги номи - зароастризм, араблар оташпарастрлар дейишган;**
- **Бу диннинг пайғамбари-Заратуштра, у буюк мунажжим сифатида ғарбда шухрат қозонган;**
- **Зардуштийликда эзгулик, адолат, тенглик, раҳм-шафқат ва барча инсоний фазилатлар тарғиб этилади;**
- **Унда яхши фикр, яхши сўз, яхши амал, яъни кишининг ўйлаган фикри, айтган сўзи, қилган иши бир-бирига мувофиқ бўлгандагина у ҳақиқий бахт саодатга эришади – деган ғоя ётади;**
- **Зардуштийлик динининг худолари: Ахурамазда (эзгулик худоси), Ахримон (ёвузлик худоси), Хумо – Семурғ-Фарна (бахт ва толеъ худоси), Митра (ёруғлик ва қуёш худоси), Анахита (ҳосилдорлик ва фаровонлик худоси);**
- **Зардуштийлар асосан олов, қуёш, ер ва юлдузларга топинишган;**
- **У 17 минг қора мол терисига зарҳал ҳарфлар билан битилган.**

12 000 хўкиз терисига зарҳал ҳарфлар билан битилган

Иқтисодий, сиёсий билимлар манбаи.  
География, фалакиёт, фалсафа, биология, экология, тиббиёт ва бошқа билимлар манбаи

Ташреҳ (анатомия), мижоз (физиология), касалликлар ва уларнинг олдини олиш, даъво усуллари манбаи

Уйланиб яхши насл қолдирмаганлар занжирланган, тамғаланган, қопга солиб жазоланган. Кўп болали оналар давлат муҳофазасига олинган

Баданнинг қуввати  
1.Жон 2.Виждон, 3.Равон (тан), 4.Идрок 5. Азалий (қадимий) руҳдан ташкил топган

Ов итини ўлдирган киши 1000 тадан эчкемар, сув қўнғизи, пашша ўлдириши лозим саналган

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”- билимлар манбаи

Гигиена, қатрон усули, микробларни оташ, иссиқлик ва совуқлик йўли билан йўқотиш

Операциядан олдин беморлар нашага шароб аралаштириб хушсизлантирилган


Илон заҳар сочаётган идиш илк бор шу китобда тасвирланган

Кимёвий усул: кул, сирка, шароб, турли гиёҳлар воситасида микробларга қарши курашиш усули



# «Авесто» китобида қадимий давлатчилик тарихига оид маълумотлар

- «Авесто»да жами 16 мамлакат санаб ўтилган
- Катта Хоразм (мил.авв. VII аср)
- Қадимги Бактрия (мил.авв. VII аср)
- Марғиёна (м.а. VII аср)



# Милоддан аввалги VII – VI асрларда Ватанимиз худудида шаклланган илк давлат тузилмалари

## Катта Хоразм

## Қадимги Бақтрия

Амударё қуёи  
хавзасидан  
Туркменистон  
жанубига қадар;  
Шунингдек, Ўрта  
Осиёнинг Марказий  
туманларини ўзига  
бирлаштирган Ўрта  
Осиёнинг кенг  
худудларини ўз  
назоратида тутган  
қабилалар  
конфедерацияси

Ўзбекистон жануби.  
Жанубий-шарқий  
Ўрта Осиёнинг катта  
худудларини,  
жумладан, ҳозирги  
Сурхондарё, қисман  
Зарафшон, Амударё  
юқори оқими,  
шунингдек,  
Афғонистон  
шимолини ўз  
назоратида тутган  
қабилалар  
конфедерацияси



Африқийлар маданияти ёдгорликлари: 1—ёй ўқининг темир учи; 2—жездан ясалган буюмлар; 3—балиқ тасвири туширилган жездан ясалган буюм; 4—урчқуқлар, лойдан ясалган қўйнинг боши ва ёғоч тароқ; 5—гуваладаги муҳр излари; 6—оҳақтошдан (тепада) ва сополдан ясалган остодонлар; 7—нақшли кигиз парчаси; 8—сопол парчалари; 9—тегирмон тоши бўлаклари.



**Сака –Хаумаварка:**  
Улар асосан ўлканинг  
шимоли-шарқий  
қисмида, яъни Муғроб  
водийси, Амунинг  
юқори оқимида, Олой,  
Фарғона водийсида  
яшаганлар

**Сака – Тиграхауда:**  
(Чўққи қалпоқ  
кийганлар). Улар  
Амунинг қуйи оқими  
ва Сирдарёнинг ўрта  
ва қуйи оқимидан то  
орол шимолигача  
бўлган кенг чўлли  
худудларда  
жойлашганлар

**ҚАДИМДА  
ЎРТА ОСИЁДА  
ЯШАГАН  
САК  
ҚАБИЛАЛАРИ**

**Сака – Тиай  
Тара-дарайя :**  
Каспий  
шимолида, Урал  
тоғ олди  
минтақаларида  
яшаганлар



# Илк давлатлар пайдо бўлиши арафасида Ўрта Осиё жамияти

## Маъмурий ҳудудий бошқарув

- оила – нмана
- уруғ жамоаси – вис
- қабила – занту
- вилоят – даҳю
- ҳукмдор - кави

## Ижтимоий табақалар

- Қоҳинлар
- Ҳарбийлар
- Дехқонлар
- Чорвадорлар
- Ҳунармандлар



# Ўрта Осиёда форслар ҳукмронлиги (мил.авв. 540/530-330 йиллар)

- Мил. авв. VI аср ўрталарида Мидия (Эрон тоғлигининг шимолий-ғарбий қисмидаги тарихий вилоят)да ахамонийлар давлатининг ташқи юришлари кучаяди;
- Мил. авв. 530 йилда Форс подшохи Кир II нинг Ўрта Осиёга юриши ва унинг саклар маликаси Тўмарис томонидан мағлубиятга учраши
- Мил. авв. 519—518 йилларда Доро I Ўрта Осиёдаги сак қабилалари устига юриш қилиб, уларни мағлубиятга учратган;
- Широқ жасорати;
- Форслар томонидан истило қилинган барча мулклар сатрапликларга бўлиниб, уларни сатраплар бошқарган. Сатраплар ахамоний подшолари томонидан тайинланган. Ўрта Осиё мулклари тўртта сатрапликдан иборат бўлган, жумладан, Каспий бўйида яшовчи кўчманчи қабилалар XI сатраплик, Бактрия XII сатраплик, Саклар ўлкаси XV сатраплик, Хоразм, Сўғд ва Парфия XVI сатрапликни ташкил қилган;
- Мил. авв. 540-530 йиллардан мил. авв. 330 йилга қадар Ўрта Осиё мулклари Қадимги Форс подшолиги таркибида бўлган;
- Оромий алифбосига асосланган ўз ёзувларига асос солинган.



# ДАВРЛАР АЛОҚАДОРЛИГИНИ КУЗАТИНГ

## Ўрта Осиё

- Милоддан аввалги 545-540-йиллар – Кир II томонидан Марғиёна, Бактрия ва Парфиянинг босиб олиниши.
- Милоддан аввалги 530-йил – Кир II нинг массагетлар устига қўшин тортиши ва Тўмарис билан бўлган жангда ҳалок бўлиши.
- Милоддан аввалги 522-йил – форсларга қарши Фрада бошчилигида Марғиёнада кўтарилган қўзғолоннинг Доро I томонидан бостирилиши.
- Милоддан аввалги 519-йил – Доро I нинг Сака-тиграхаудаларга қарши юриши. Широқ жасорати.
- Милоддан аввалги 490-йил – форс шоҳи Ксеркс бошчилигида сакларнинг Марафон жангида иштироки.
- Милоддан аввалги V-IV асрлар – Ўрта Осиё ҳудудида дастлабки тангаларнинг тарқалиши.

## Юнонистон ва Рим


- Милоддан аввалги VI аср – Италияда темирдан ясалган буюмларнинг кенг тарқалиши.
- Милоддан аввалги VI аср – карфагенликлар Ситилиянинг катта қисмини забт этиб, Испанияни истило эта бошладилар.
- Милоддан аввалги VI аср – юнон цивилизациясининг гуллаб-яшнаши.
- Милоддан аввалги 594-йил – Афинада Солон ислохотлари.
- Милоддан аввалги 509-йил – Римда Республика тузумининг ўрнатилиши.
- Милоддан аввалги 490-йил – Марафон жангида юнонлар ғалабаси.
- Милоддан аввалги V аср – Геродот «Тарих» асарини ёзди.
- Милоддан аввалги 431-404-йиллар – Спарта ва Афина ўртасидаги Пелопоннес уруши.
- Милоддан аввалги V аср – Афина ва Спарта давлатларининг гуллаб-яшнаши.
- Милоддан аввалги IV аср – Римда мис танга зарб қилина бошлади.
- Милоддан аввалги IV аср ўрталари – Македониянинг кучая бошланиши.

## Бошқа давлатлар

- Милоддан аввалги VI аср охирлари – ҳозирги Испания ҳудудида ибер қабилаларининг ўринлашуви.
- Милоддан аввалги VI– III асрлар – келтларнинг Британия, Испания, Шимолий Италия, Жанубий Германия ерларини босиб олиши.
- Милоддан аввалги VI-V асрлар – Ҳиндистонда буддавийлик динининг вужудга келиши.
- Милоддан аввалги VI аср – Германия ҳудудида германларнинг келиб жойлашуви.
- Милоддан аввалги 550-йил – Кир II Мидияни забт этди.
- Милоддан аввалги 538-йил – Кир II Бобилни босиб олди.
- Милоддан аввалги 525-йил – форслар Мисрни босиб олди.
- Милоддан аввалги 522–486-йиллар – Эрон шоҳи Доро I подшолиги.
- Милоддан аввалги 519–518-йиллар – Доро I нинг Ҳиндистонга юриши.
- Милоддан аввалги 512-йил – Доро I нинг Шимолий Қора денгиз устига юриши, сакларни тобе этишга муваффақиятсиз уриниши.



Билагузук (мил. ав. 5 ёки 4-а.). Амударё хазинасидан. Британия музейида.





# ЎРТА ОСИЁ ИСКАНДАР ЗУЛҚАРНАЙН ВА САЛАВКИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ОСТИДА


- Мил. авв. 336 йилида Искандар Македонияда тахтни эгаллаган. У кейинчалик Александр Македонский ёки Македониялик Искандар номи билан машҳур бўлган;
- Искандар 10 йил мобайнида Кичик Осиё, Сурия, Финикия, Миср, Эрон, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон мамлакатларини забт этган;
- мил. авв. 329-327 йилларда Ўрта Осиёга юриш қилган;
- Ўрта Осиёда Искандарга қарши миллий озодлик ҳаракатлари кучайган;
- Спитамен жасорати;
- Мил. авв. 323 йилда Искандар вафотидан сунг унинг салтанати Миср, Македония ва Салавкийлар давлатларига бўлиниб кетган;
- Мил. авв. IV аср охири - III аср ўрталарида Ўрта Осиё Салавкийлар давлати таркибига кирган;
- Салавкийлар давлати амалда мил. авв. 312 йилдан 64 йилга қадар мавжуд бўлган;
- Унинг таркибига Бобилдан Сирдарё ва Ҳинд дарёси бўйларига қадар бўлган ерлар кирган. Давлатнинг пойтахти дастлаб Бобил шаҳри бўлган, кейинчалик у Антиохияга (Сурия) кўчирилган.





МАКЕДОНИЯЛИК ИСКАНДАРНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ЮРИШИ

МАКЕДОНИЯЛИК ИСКАНДАРНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ЮРИШИ




ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

- Мил. ав. 336 й. Македония ҳудуди.
- Мил. ав. 336 й. форсга тегишли ерлар.
- Македония қўшинлари томонидан босиб олинган ҳудудлар.
- Эрондан аввалги VI-IV асрлардаги давлат тузилмалари.
- МАКЕДОНИЯ ҚЎШИНЛАРИ ҲАРАКАТЛАРИ:
- Биринчи давр-мил. ав. 335-332 йиллар
- Македония қўшинларининг Фракия ва Иллирияга бостириб қилиши
- Эроннинг г'арбий қисмига юриши
- Сурия ва Мисрга бостириб қилиши
- Иккинчи давр-мил. ав. 331-328 йиллар
- Эроннинг марказий ва шарқий қисмига ҳамда Марказий Осиёга юриши
- Учинчи давр-мил. ав. 327-323 йиллар
- Македония қўшинларининг Ҳиндистонга юриши
- Македония қўшинларининг қайтиши
- Македония флотининг қайтиши
- Македонияликлар томонидан флот қурилиши
- Македониялик Искандар асос солган шаҳрлар

МАШТАБ 1:140 000 000



# Қадимги харбий кўшин





# ДАВРЛАР АЛОҚАДОРЛИГИНИ КУЗАТИНГ

## Ўрта Осиё

- Милоддан аввалги 329-йил – македониялик Искандар қўшинларининг Бактрия, Сўғдиёгани босиб олиш мақсадида Амударёдан кечиб ўтиши. Самарқанднинг босиб олиниши.
- Милоддан аввалги 329–327-йиллар – Сўғд ва Бактрия аҳолисининг Спитамен бошчилигида македониялик Искандарга қарши қўзғолони.
- Милоддан аввалги 327-йил – македониялик Искандарнинг «Сўғд» қалъасини эгаллаши, Оксиартнинг қизи Равшанакка уйланиши.
- Милоддан аввалги 323-йил – македониялик Искандарнинг вафоти.

## Юнонистон ва Рим

- Милоддан аввалги 338-йил – Херсонес жанги. Юнонистонда Македония ҳокимиятининг ўрнатилиши.
- Милоддан аввалги 334-йил –македониялик Искандарнинг Шарққа юришларининг бошланиши.

## Бошқа давлатлар

- Милоддан аввалги V-IV асрлар – Хитойда Даосия ва Конфутсий тариқатларининг вужудга келиши.
- Милоддан аввалги V аср охири – Боспор подшоҳлигининг ташкил топиши.
- Милоддан аввалги V аср охири – Фракия (Булғория) давлатининг ташкил топиши. Милоддан аввалги IV-III асрлар – Қримда скиф қабилалари давлатининг ташкил топиши.



# Юнон-Бактрия давлати

- Бу давлат мил.авв. 250 йилда ташкил топган;
- Бу давлатнинг асосини Бактрия мулклари ташкил қилиб, юнон ҳукмдорлари томонидан бошқарилганлиги учун тарихда Юнон-Бактрия давлати деган ном олган;
- Евтидем, Деметрий, Евкратид сингари ҳукмдорлар даврида Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисми ҳамда Амударё ва Сирдарё ўртасидаги ерлар ҳам унинг таркибига қўшиб олинади;
- Пойтахти Шимолий Афғонистондаги Бақтра шаҳри булган;
- Унинг тараққий қилган даври мил. авв. III асрнинг иккинчи ярми ва II асрнинг биринчи ярмига тўғри келади;
- Мил. авв. II асрнинг учинчи чорагида Шарқий Туркистон орқали кириб келган кўчманчи юечжи қабилаларининг ҳужумлари натижасида бутунлай тугатилади;
- Македониялик Александрнинг юришлари натижасида Ўрта Осиёга юнон (эллин) маданияти кириб келди, маҳаллий маданият билан қўшилиб, уйғунлашган янги маданият таркиб топди ва у эллинизм даври деган ном олган.

# ҚАНҒ ДАВЛАТИ

Мил. авв. III аср ўрталарида ташкил топган

Худудлари: Тошкент соҳаси, Талас водийси, қисман Чу водийсининг қуйи оқимидаги ерлар, Амударё ва Сирдарёдаги ерлар, Хоразм

Қанғ подшоларининг иккита: ёзги ва қишки қароргоҳлари бўлган. Ёзгиси – Ўтрор, қишкиси – Қанқа – ҳозирги Тошкент вилояти Оққўрғон туманида жойлашган

Қанғда подшо билан бирга оқсоқоллар кенгашининг ўрни ҳам катта бўлган. Вилоят бошлиқлари жобу ёки ёбу деб аталган

Қанғ давлатининг энг кучайган даври: мил.авв. II-I асрлар

Қанғ шаҳарлари Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби қалин ва баланд деворлар билан ўралган

Деворларининг ташқарисида қалъа атрофи гир айлантирилиб чуқур ва кенг қилиб ҳандақ қазилган. Шаҳарлар ичида мустаҳкам истехком (арк) ва шахристонларнинг ҳам мудофа деворлари бир неча деворлари, бир неча дарвозалари бўлган

Тошкент воҳасидан топиб ўрганилган Қовунчи маданияти қанғарларга тегишлидир



# Қадимги Даван (Паркана)

- Мил. авв. III асрдан мил. II асрга қадар мавжуд бўлган;
- Даван давлати ҳақидаги маълумотлар кўпроқ Хитой манбаларида учрайди. Мил. авв. III аср манбаларида бу давлат «Даван», кейинроқ эса «Бохан» ҳамда «Полона» номлари билан эслатилади. Уларда Даваннинг 70 та шаҳри булгани қайд этилган;
- Даван давлатининг чегаралари шимолда Кангюйлар мамлакати ва ҳозирги Тошкент воҳасигача, жанубда эса Юечжилар давлатига қадар чўзилган;
- Эрши шаҳри (ҳозирги Марҳамат) қадимги Даван давлатининг пойтахти бўлган;
- Даван давлати ўзининг «самовий» отлари билан шуҳрат қозонган. Уларнинг довуғи Хитойга ҳам етиб борган. Хитойликлар Фарғона отларининг қаноти борлигига ишонишган ва уларни илоҳийлаштиришган;
- Мил. авв. 104-101 йилларда хитойликлар икки марта Фарғонага бостириб кирган.



Замонбобо қабри-  
стонидан топил-  
ган буюмлар (мил.  
ав. 3—2-а.лар).

Кизилқир қалъа-  
сидан топилган  
сопол идиш. (мил.  
ав. 2—1-а.лар).





# Кушон давлати

- Мил. авв. II асрнинг иккинчи чорагида Хитойнинг шимолий-ғарбида яшовчи кўчманчи хунн, сак-усун ва юечжи қабилалари ўртасида қонли тўқнашув юз бериб, юечжилар Шарқий Туркистон ва Тибетдан Ўрта Осиё ерларига суриб чиқарилади;
- Хуннлар сиқуви остида Шарқий Туркистон орқали Ўрта Осиёга келган юечжилар Даван ва Сўғдни эгаллагач, жанубга томон ҳаракат қиладилар ва Бактрияни босиб олиб, Юнон-Бактрия давлатининг фаолиятига чек қўядилар;
- Юечжилар беш хонадондан иборат бўлган: Хюми, Шуанми, Гуйшуан, Хисе ва Думи;
- Мил.авв. I аср охирида Гуйшуан ябғуси Киоцзюкю (Кужула Кадфиз) қолган тўртта хонадонни ўз қўли остида бирлаштириб, ўзини Гуйшуан (Кушон) ҳукмдори деб эълон қилади ва шу тариқа Кушон давлатига асос солади;
- Кушонлар давлатининг дастлабки пойтахти Шўрчи туманидаги Далварзинтепа ёдгорлиги ўрнида бўлган, у Хитой манбаларида Ходзо деб номланади. Кужула Кадфиз даврида Афғонистон ва Кашмир Кушонлар давлатига қўшиб олинган;
- Кушонлар даври мил. авв. I аср охирларидан милодий IV аср ўрталарига қадар бўлган даврни ўз ичига олади;
- Кушонлар даврини шартли равишда иккига бўлиш мумкин: 1) илк кушонлар даври (Кадфиз I ва Кадфиз II), бу даврда сиёсий марказ Ўзбекистоннинг жанубида ва шимолий Афғонистонда бўлган; 2) Канишка ва унинг ворислари даври, бу даврда сиёсий марказ шимолий-ғарбий Ҳиндистонга кўчади;
- Кушон подшолиги (Кужула Кадфиз, Вима Кадфиз, Канишка I, Васишка, Хувишка, Канишка II, Васудева, Канишка III) 1-4 асрлар.





# Қадимги дунё маданияти намуналари






# Кушон давлати Канишка даврида (78-123 йиллар)

- Унинг даврида Шарқий Туркистон худудлари мамлакат таркибига қўшиб олинади, Ҳиндистонда ҳокимият мустаҳкамланади. Мамлакат пойтахти шимоли-ғарбий Ҳиндистонга - Пешоварга кўчирилади. Ҳозирги Покистон худудидаги Пурушапур шаҳри кушонларнинг пойтахти бўлган деган фикрлар ҳам мавжуд;
- Канишка даврида Кушонлар давлатида буддавийлик дини кенг ёйилди, чунки ҳукмдор Канишканинг ўзи ҳам шу динда эди;
- Кушон давлати тараққиётнинг чўққисига кўтарилган;
- Канишка даврида давлат улкан салтанатга айланиб, унинг худуди Шимолий Ҳиндистон ва Хўтандан Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларигача бўлган ерларни қамраб олади;
- 105 - йили Шарқий Туркистоннинг шаҳар-давлатлари Кушонлар ихтиёрига ўтади. Канишка ҳукмронлигининг охирига бориб Хўтан, Қошғар ва Ёркент Кушонлар давлати таркибига киради;
- Канишка даврида Кушон ўз даврининг энг кучли салтанатларидан саналган Рим, Хитой билан бирга тенг турган;
- Эски Термиз, Холчаён, Далварзинтепа, Айритом, Зартепа, Қоратепа, Кампиртепа, Фаёзтепа, Чингизтепалар кушон даври ёдгорликларидир;
- Термиз ва Айритом ёдгорликларидан оромий ёзуви асосидаги юнон-бактрия алифбосидаги ёзув намуналари топилган. Алоҳида кушон ёзуви ҳам мавжуд бўлган. Афғонистоннинг Қундуз яқинидаги Сурх-Котал деган жойдан юнон алифбосидаги кушон ёзуви топилган.

Будданинг тош барельефи (Эски Термиз топилмаси).



Будда ҳайкали  
(Бодхисотва).  
Фаёзтепа то-  
пилмаси.

# ДАВРЛАР АЛОҚАДОРЛИГИНИ КУЗАТИНГ

## Ўрта Осиё

- Милоддан аввалги III аср – милодий III аср – Қанғ давлати мавжуд бўлган даври.
- Милоддан аввалги III аср – милодий II аср – Довон давлати ҳукм сурган давр.
- Милоддан аввалги III аср – Салавкийлар давлатининг кулаши.
- Милоддан аввалги III аср ўрталари – Юнон- Бактрия давлатининг ташкил топиши.
- Милоддан аввалги 226-йил – Парфия давлатининг кулаши.
- Милоддан аввалги 199–167-йиллар – Деметрийнинг ҳукмронлик йиллари (Юнон-Бактрия давлати).
- Милоддан аввалги 140–130-йиллар – Юнон-Бактрия давлатининг юечжилар томонидан босиб олинishi.
- Милоддан аввалги 175–140-йиллар – Қанғ давлатининг гуллаб-яшнаши.

## Юнонистон ва Рим

- Милоддан аввалги 171 – 167-йиллар – Македониянинг Римга қўшиб олинishi.
- Милоддан аввалги 146-йил – Коринф, Карфаген шаҳарларининг римликлар томонидан вайрон этилиши.
- Милоддан аввалги 133–123-йиллар – Гракхлар ислоҳоти.
- Милоддан аввалги 74–71-йиллар – Спартак қўзғолони.
- Милодий I аср – Рим империясида христианликнинг тарқалиши.
- Милодий 79-йил – Везувий отилиши. Помпей ҳалокати.
- Милодий 248-йил – Рим 1000 йиллиги нишонланиши.
- Милодий 395-йил – Рим империясининг икки давлатга бўлиниб кетиши. 410-йил – Римнинг готлар томонидан ишғол қилиниши.
- Милодий 476-йил – Ғарбий Рим империясининг кулаши.

## Бошқа давлатлар

- Милоддан аввалги 214-йил – Улуғ Хитой деворининг қуриб битказилиши.
- Милоддан аввалги II аср – Қримда Скиф подшолигининг гуллаб-яшнаши.
- Милоддан аввалги II аср ўрталари – Парфиянинг кучайиши. Митридат I томонидан Мидия ва Месопотамиянинг ишғол қилиниши.
- Милоддан аввалги 145–86-йиллар – Хитой тарихчиси Сим Сзяннинг хайот йиллари. Милоддан аввалги 137–132-йиллар – Ситсилияда қулларнинг биринчи қўзғолони.
- Милоддан аввалги 120-йил – Буюк Ипак йўлининг пайдо бўлиши.
- Милоддан аввалги II аср охири – Митридат VI томонидан Босфор подшолиги, Колхида ва Ғарбий Қора денгиз бўйларининг босиб олинishi.



# ДАВРЛАР АЛОҚАДОРЛИГИНИ КУЗАТИНГ

## Ўрта Осиё

- Милоддан аввалги 128–126-йиллар – биринчи Хитой элчиси Чжан Сян Довон, Қанғ давлатларига келиб Хитой билан расмий алоқалар бошланди.
- Милоддан аввалги 104–101-йиллар – Хитой қўшинларининг Довонга бостириб кириши.
- Милоддан аввалги I асрнинг II ярми – кушонларнинг Ҳиндистонга юриши.
- Милоддан аввалги I – милодий IV аср – Кушон подшолигининг ташкил топиши ва ривожланиши.
- Милоддан аввалги 99-йил – Кушон давлати элчиларининг Римга келиши.
- Милодий 78–123-йиллар – Канишка хукмронлик йиллари.
- Милодий V аср – Эфталийлар давлатининг ташкил топиши.
- Милодий 484-йил – Эрон, сосанидлар подшоси Пероза қўшинларининг эфталийлар

## Юнонистон ва Рим

- Милодий 527–565-йиллар – Константинополда Юстиниананинг бошқаруви.

## Бошқа давлатлар

- Милоддан аввалги I аср – Япониянинг Хитой билан савдо ва иқтисодий алоқаларининг йўлга қўйилиши.
- Милодий 70-йил – Қуддус шаҳрининг римликлар томонидан вайрон этилиши.
- Милодий II аср – Парфия давлатининг қулай бошлаши.
- Милодий II аср охири – III аср бошлари – Хитойда «сарик чилвирлилар» қўзғолони.
- Милодий 491–529 йиллар – Эронда Маздак раҳнамолигида халқ қўзғолони.
- Милодий V аср – франкларнинг Шимоли-шарқий Галлияни босиб олиши.
- Милодий IV аср – Хитойнинг учта мустақил давлатга ажралиб кетиши.

# Авесто - Ўрта Осиё тарихига оид энг қадимги манба !

Ф

**Фикрингизни баён этинг**

---

---

---

С

**Фикрингиз баёнига бирор сабаб кўрсатинг**

---

---

---

М

**Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг**

---

---

---

У

**Фикрингизни умумлаштиринг**

---

---

---